Ушбу сонда:
2 — 2004 йил - Меҳр ва мурувват йили. БИР ОҒИЗ ШИРИН СЎЗ
3 — TV-ДАСТУРИ
4 — ЭЛ НЕТИБ ТОПҒАЙ МЕНИКИМ...

# ISHONCH

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 9 январ, жума № 3 (1636)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

**Янги, 2004 йил бошланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарларидан самимий қутловлар ҳамон келиб турибди.**

*Америка Қўшма Штатлари Президенти Жорж Буш ва унинг рафиқаси Лора Буш хоним йўллаган табрикда шундай дейилади:*

*«Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийлари ва Татьяна Каримова хонимга*

*Ҳозирги байрам кунларида ва ҳамиша эътиқод, оила ва дўстлик қувончидан баҳраманд бўлишингизни тилаймиз».*

*Шунингдек, қуйидагилар ҳам ўз табрикномаларини йўллаган:*

*Хитой Халқ Республикаси Марказий ҳарбий кенгашининг Раиси Цзян ЦЗЭМИНЬ.*

*Туркия Республикаси Президенти Ахмет Неждет СЕЗЕР.*

*Туркия Республикаси Бош вазири Режеп Таййип ЭРДОҒАН.*

*Сурия Араб Республикаси Президенти Башар ал-Асад ва унинг рафиқаси Асма АЛ-АСАД.*

*Ирландия Президенти Мэри Мак ЭЛЛИС.*

*Чехия Республикаси Президенти Вацлав КЛАУС.*

*Словения Республикаси Президенти Янез ДРНОВШЕК.*

*Литва Республикаси Президенти Роландас ПАКСАС.*

*Исландия Президенти Олавур Рагнар ГРИМССОН.*

*Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти Чан Дик ЛИОНГ.*

*Корея Халқ Демократик Республикаси Давлат Мудофаа қўмитаси Раиси Ким ЧЕН ИР.*

## ЙЎЛСОЗЛАР





«Ўзбекистон темирйўллари» давлат акциядорлик темирйўл компанияси йўлсозлари янги – 2004 йилни катта ютуқлар билан қарши олдилар. Пойтахтни Самарқанд билан боғлайдиган тезюрар поездлар ҳаракатининг иш бошалагани эса бунга яққол мисолдир.

Бу улкан ютуқда Сурхондарё вилоятидаги Хайробод 166-йўл-машина станциясининг Эргаш Саидаҳмедов раҳбарлигидаги йўлсозларнинг ҳам ҳиссаси катта. Улар темирйўллардаги рельсларни янгиларига алмаштиришдек мураккаб вазифаларни бажармоқда.

**Суратларда: йўлсозлар фаолиятидан лавҳалар.**

**М.АМИН (ЎзА) олган суратлар**

*нвар - Ватан ҳимоячилари куни*

## ШУНҚОРЛАР

***Ёшларни она-Ватанга, миллий истиқлол ғояларига садоқат, ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолиятининг муҳим йўналишларидандир.***

- Ёшлар ташкилоти ҳарбий-ватанпарварлик соҳасидаги фаолиятини бир неча йўналишда олиб боряпти,- деди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши халқаро алоқалар, ҳуқуқий масалалар, ҳарбий-ватанпарварлик ва спорт бўлими мудири Т.Арслонов ЎзА мухбирига. - Бу борадаги тарғибот-ташвиқот ишларининг биринчи босқичида умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари қамраб олинаётир. Уларни Қуролли Кучлар сафига тайёрлашга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Ҳарбийлар иштирокидаги турли тадбирлар, ҳарбий амалий-техник спорт турларини ривожлантириш борасидаги ишлар бу йўналишдаги фаолиятимизнинг асосий бўғинидир. Бу тадбирлар Мудофаа, Ички ишлар, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси каби ташкилотлар билан яқин ҳамкорликда олиб борилаётир.

Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақаларида умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей ўқувчилари фаол иштирок этмоқда. Ўтган йили бундай тадбирларда уч юз эллик минг нафардан зиёд йигит-қиз қатнашди. Мусобақа жараёнида ўқувчи ёшлар жанговар ҳарбий-спорт йўналишидаги беллашувлардан ташқари, ҳуқуқий билим юзасидан ҳам куч синашди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар ва Самарқанд вилоят кенгашлари томонидан «Мен аскар бўламан» мавзуида ўтказилган тадбирларда ўқувчилар Қуролли Кучлар тартиб-қоидалари асосида казармаларда яшаб, жанговар техника, ҳарбий хизматчиларнинг кундалик турмуш тарзи билан яқиндан танишди.

Жойларда ҳарбий хизматга кузатиш, қасамёд қабул қилиш маросимларини ота-оналар, маҳалладошлар, кенг жамоатчилик иштирокида тантанали руҳда ўтказиш яхши анъанага айланиб бормоқда.

Айни кунларда 14 январ - Ватан ҳимоячилари куни олдидан ҳарбий қисмларда, сержантлар тайёрлаш мактабларида уруш ва меҳнат фахрийлари, таниқли ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар, турли соҳаларнинг етук намоёндалари иштирокида байрам тадбирлари ўтказиляпти. Жумладан, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан Хоразм вилоятидан хизматга чақирилган аскарларнинг оналари иштирокида ўтказилган «Аскар оналари слёти» йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Айни вақтда жойларда ҳарбий соҳада самарали фаолият юритиб, тенгдошларига намуна бўлаётган ва мамлакатимиз мустақиллигининг 12 йиллиги муносабати билан «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишонига сазовор бўлган ёшларга ушбу мукофотни топшириш тантанали маросимлари бўлиб ўтмоқда.

* * *

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Самарқанд вилояти кенгаши тасарруфидаги автомактаблар ҳар йили миллий армиямиз сафларига юзлаб мутахассис етказиб беради. Уларда ёшларнинг ҳарбий-техник маҳоратини ошириш билан бирга, жисмоний ва маънавий тарбиясига ҳам катта эътибор қаратилади.

Мактабларни ҳар йили ўз касбини пухта эгаллаган, жисмонан бақувват, ҳарбий соҳага меҳр қўйган юзлаб ёшлар битириб чиқмоқда. Ўтган йили 941 нафар ана шундай мутахассис Қуролли Кучларимиз сафига қўшилди.

**(ЎзА)**

*Ижтимоий ҳимоя*

## НАФАҚА ЎЗ ВАҚТИДА

***Абдуфатто Маваллаев каттани ака, кичикни ука билиб, бир пиёла чой устида юракдан мулоқот қилади. Арғамчига қил қувват деганларидек, солиқ йиғимлари давлат хазинасида тўпланиб, қарияларга, болали оналарга нафақа, талабаларга стипендия бўлиб қайтишини, оилаларга файзу-барака ёғилишини тушунтиришдан чарчамайди.***

Кимдир қайсидир амалдорнинг остонасида сарғайиб ўтирганини кўрса, тинчи бузилади. Андишани ҳам жойига қўяди. Давлат, назорат идоралари аҳолининг ижтимоий ҳимоясида қаттиқ туришини, иш ҳақидан қарздорлик, солиқ тушумларини пайсалга солиш қонунга зидлигини ҳам гап орасида эслатиб қўяди. Лоқайдлар суд ёки прокуратура олдида мулзам бўлишади. У Қорасув шаҳар давлат солиқ идорасида катта инспектор, бошлиқ ўринбосари бўлиб ишлади. Бошлиқ лавозимига кимни кўтариш масаласи ўртага қўйилганда, Абдуфатто номзоди якдиллик билан маъқулланди.

Ижро интизоми ҳар бир ишда тош босишини Абдуфатто яхши билади. Ҳар душанбада ўтказиладиган иш тақсимоти ўзаро талабчанлик ва ишчанлик билан ўтиши боиси шундан. Ишхонада рағбатга алоҳида эътибор берилади. Йиғинда декларациялар сектори бўлими бошлиғи Давлатбек Низомитдиновнинг қўшимча сармояларини яширишга уринган айрим фуқароларни аниқлаш, уларнинг даромадларини солиққа тортиш бўйича ташаббускорлиги мукофотга тавсия қилинди. Бюджет тўловлари тушумини камайтиришга йўл қўйган катта инспекторлардан бири эса ишда сусткашлиги учун танбеҳ олди.

Солиқ билан банк муассасаларининг яқиндан молиявий ҳамкорлиги яхши натижа беряпти. Ижтимоий ҳимоянинг асосий йўналиши пенсия, нафақалар иш ҳақи тўловларининг ундирилиши ушбу йиғилишларда чуқур таҳлил қилинмоқда.

Қорасув шаҳар пайпоқ тўқиш ҳиссадорлик жамиятида иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар бўйича қарзга ботганлиги, оқибатда 2 миллион 843,3 минг сўмлик қарздорлик юзага келганлиги аниқланди. Жамоага тақдимномалар киритилди. Солиқчилар билан тўқувчилар учрашуви ўтказилди.

«Аннур» масъулияти чекланган жамият, шунингдек, 39- автокорхонада кишилар пенсия ва нафақа пуллари, мояналарини ололмасди. Устига-устак, тўқувчилар корхонасида сув тўловлари бўйича боқиманда қарз 1,7 минг сўм, автокорхонада эса 7,8 минг сўмга кўпайганди. Иш берувчилар Розияхон Исмоилова, Аҳмаджон Аҳмедовлар солиқчилар идорасига таклиф қилинди. Маҳсулот сифатини яхшилаш, харидорлар билан ишлаш, йўловчиларга хизмат турини кўпайтириш ҳақида таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Аммо улар инсофга келмадилар. Сўнгги чора — ушбу корхоналар ҳисоб-рақамига 366 миллион 744 минг сўмлик мажбурий тўловномалар қўйилиб, 254 миллион 42,4 минг сўм боқимандалик қарзи ундирилишига эришилди.

Қорасувлик солиқчилар Вазирлар Маҳкамасининг пул маблағларини банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори ижросини қатъий назорат қилмоқдалар. Хўжалик юритувчи 18 та субъектда ўтказилган режали текширишда кўплаб маблағ банкка топширилмасдан, ноқонуний айлантирилаётганлиги юзага чиқди. 23 нафар мансабдор шахс устидан маъмурий иш қўзғатилиб, улардан 744,3 минг сўм ундирилди.

... Қорасувлик Ҳасанбой Юсупов тадбиркорлик фаолиятини юритиш тўғрисидаги ҳокимлик рухсатномасини олишга эришгунча кўкрагига уриб ваъдалар берди. Фирмасида ишлари юришиб, қўлида пул ўйнай бошлади. Аммо савдо-сотиқдан келаётган пул маблағлари банкка эмас, Ҳасанбойнинг киссасига тўғридан тўғри туша бошлади. Режали текширишларнинг бирида Юсупов 7 миллион 391,3 минг савдо пулларини банкдан яшираётганлиги фош бўлди.

Қорасув шаҳрида, ўзим бўлай дейдиган «ишбилармон»лар ҳар ҳолда бор. Ачинарлиси, топганларини ижтимоий ҳимояга муҳтож маҳалладошлари билан баҳам кўраётган меҳр-оқибатли тадбиркорларга доғ туширяптилар. «Циркул-сервиз» хусусий савдо фирмаси ана шундайлар сирасидан экан. Солиқчиларнинг навбатдаги текширишларида 90 миллион 290 минг сўм савдо пули назорат-касса машинасига кирим қилинмаганлиги ошкор бўлди. Бу ҳам етмагандек, 3 миллион 981 минг сўмлик даромад ҳисоботлардан ғаразли ниятларда яшириб қолингани очилди. Хусусий тадбиркорлардан М.Тўрахўжаев, В.Қўчқоров, М.Мадаминовалар назорат-касса машиналарини «хўжа кўрсинга» ўрнатиб, савдо пулини ўзлаштираётганларида солиқчилар қўлига тушди.

**Собиржон РЎЗИМАТОВ, «Ишонч» мухбири**

*Меҳнат муҳофазаси*

## САБОҚ

Меҳнаткашлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, меҳнат муҳофазасига алоҳида эътибор бериш раҳбару мутахассисларнинг биринчи галдаги вазифаларидандир. Пировард натижа табиийки, инсон омилига бориб тақалади. Бахтга қарши, сўнгги вақтларда шундай манзара кузатилаяптики, баъзи етакчилар сўмни тежаб миллионларни бой беришаяпти. Энг ташвишлиси, инсон саломатлигига путур етмоқда, кўнгилсиз ҳодисалар содир бўлмоқда.

Мирзаободда рўй берган ана шундай воқеа барчани чуқур ўйлашга, мушоҳада юритишга ундади. Гап шундаки, туман машина-трактор парки мутасаддилари мақсадли сарфланиши кўзда тутилган маблағни «тежаш»га ружу қилишган. Натижада, ажойиб йигит, ўз касбининг устаси бевақт оламдан кўз юмди. Унинг тўрт нафар фарзанди бор эди...

Воқеа тафсилоти қуйидагича. Ўтган йилнинг августида «КЕЙС» комбайни оператори Аъзам Донабоев агрегатини «Узунқалъа» фермер хўжалиги даласига олиб кирди. Табиийки, у ишга киришишдан олдин шароитни, даладаги аҳволни яхши ўрганиши, техника хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя этиши керак эди. Ҳеч нарсани ўйламай қудратли техникани юқори кучланишли электр қуввати мавжуд бўлган ҳудудга ҳайдаб кирганлигини жуда кеч пайқади. Қанчалик ҳаракат қилмасин фожеанинг олдини ололмади, ток уриш оқибатида ҳайдовчи ҳаётдан кўз юмди.

Кутилмаган ҳодиса тафсилотларини ўрганиш шуни кўрсатдики, МТПда техника хавфсизлиги қоидалари тамомила эътибордан четда бўлган. Механик, ҳайдовчиларнинг бу борадаги билимларини ошириш, ўқувни ташкил этиш масалаларига панжа орасидан қаралган. Хусусан, А.Донабоев ҳам ҳамкасблари қатори хавфсизлик қоидалари синовидан ўтказилмаган. Ахир МТП раҳбарияти мутасадди ташкилотлар томонидан неча бор огоҳлантирилганди.

Лоқайдлик қалб фалажи. Қаерда у илдиз отса, юқоридаги каби кўнгилсиз ҳолатлар юзага келиши мумкин. Шу боис иш жойларидаги шароит, соғлом муҳит ва техника хавфсизлиги масалалари доимий равишда эътиборда бўлиши керак. Кимдаким ўта ва муҳим масалаларга панжа орасидан қараса, охир-оқибат аттанг, деб қолади.

**Бобо НИЗОМОВ, Сирдарё вилоят меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий муҳофазалаш бошқармаси бош меҳнат техника инспектори**

## ХОРИЖДАН СОВҒА

***Хоразм вилояти болалар сил касаллигига қарши санаторийсига ўзига хос совға келди. Нидерландиялик Хорилке оиласи «Чегара билмас шифокорлар» халқаро ташкилоти орқали стол теннисиси билан шуғулланиш учун тўплам, китоблар ва кўплаб ширинликлар жўнатибди.***

Санаторийда Хоразм вилоятининг турли шаҳар ва туманларидан икки юзга яқин бола даволашдан сўнг тикланиш даврини ўтайди. Уларнинг кўпчилиги яқиндагина «Чегара билмас шифокорлар» ташкилоти кўнгиллилари қўлида даволанган эди. Бу ташкилот ўтган йилнинг охирида Оролбўйида силнинг тарқалишига қарши кураш бўйича махсус халқаро дастурни якунлади.

Бироқ нафақат замонавий тиббиёт, балки инсон қалби саховати учун ҳам чегара йўқ. Ўз совғаларига илова қилинган мактубда Хорилке оиласи Ўзбекистонда Меҳр ва мурувват йилини амалга оширишга ўз ҳиссасини қўшишни истаганини маълум қилган.

**(ЎзА)**

*Болалар спорти*

## БИРИДА ЯХШИ, БИРИДА АКСИ

Болалар спортини ривожлантириш юзасидан Жиззах вилоятида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Айни чоғда мавжуд 34 та касб-ҳунар коллежларидан 29 тасида ва 537 та умумий ўрта таълим мактабларидан 169 тасида спорт заллари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 111 таси 2003-2004 йилларда жорий ва капитал таъмирланиб, ишга туширилиши режалаштирилган бўлиб, бу ишлар босқичма-босқич поёнига етказилмоқда.

Вилоятда 5 та стадион, 4 та сузиш ҳавзаси, 204 та спорт зали, 397 та баскетбол, 625 та волейбол, 326 та қўл тўпи, 26 та теннис, 157 та мини футбол майдончалари ёшлар ихтиёрида. Шу кунга қадар болалар спортини ривожлантириш мақсадида ҳомий ташкилотлар томонидан мавжуд спорт базаларини таъмирлаш ва янгиларини барпо этиш ҳамда зарур жиҳозлар билан таъминлаш учун 664,1 миллион сўм маблағ сарфланди.

Ўтган йили вилоят спортчилари 13 та халқаро, 93 та республика мусобақаларида қатнашиб, муносиб ўринларни эгаллашди. Халқаро мусобақаларда 12 та олтин, 9 та кумуш, 16 та бронза, республика беллашувларида 52 та олтин, 42 та кумуш, 74 та бронза медали қўлга киритилгани қувончли ҳол, албатта.

Болалар спортини ривожлантиришга жиддий аҳамият берилмоқда. Масалан, Пахтакор туманида лойиҳа қиймати 150 миллион сўмлик спорт иншооти барпо этилди. Иншоотнинг сатҳи 1,2 гектар ерни ташкил этади. 2 минг кишига мўлжалланган усти ёпиқ спорт саройи, маъмурий ва бошқа қўшимча бинолар қад кўтарди. Мажмуа таркибида футбол, волейбол, баскетбол, узунликка ва баландликка сакраш майдонлари, теннис корти, мини футбол, қўл тўпи майдончалари бор.

Шунингдек, Дўстлик туманининг олис қишлоғи «Наврўз»да спорт мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Футбол, баскетбол, волейбол, мини футбол майдонлари, чўмилиш ҳавзаси, теннис корти, югуриш йўлакчалари барпо этилди.

– Мавжуд 19 та умумий ўрта таълим мактабларининг ёпиқ спорт заллари жорий ва капитал таъмирланди, –дейди туман болалар спорти жамғармаси катта мутахассиси Шерали Мажидов. – Ф.Хўжаев номли 6–, Н.Қозоқов номли 3–, Гагарин номли 14–, умумий ўрта таълим мактаблари спорт заллари томи шифер билан ёпилди, поллари янгисига алмаштирилди. Давр талабидан келиб чиқиб, тумандаги 18 та мактабгача таълим муассасаларида спорт мураббийлари штати ташкил этилди. «Райҳон», «Бинафша» боғчаларида спорт мажмуалари тикланди. Мактаб ва болалар боғчаларига вилоят болалар спорти жамғармаси томонидан 100 минг сўмлик жиҳозлар туҳфа этилди.

Вилоятнинг энг чекка тоғли тумани Форишда ҳам болалар спортини оммалаштириш ва умумхалқ ҳаракатига айлантириш мақсадида қатор ибратли ишлар қилинмоқда. Мустақиллигимизнинг 12 йиллиги байрамида туман марказий стадиони замонавий лойиҳа асосида қайтадан бунёд этилди. 5 минг томошабинга мўлжалланган ўриндиқлар ўрнатилди, югуриш йўлакчалари, волейбол, баскетбол, мини футбол, қўл тўпи, узунликка сакраш майдончалари қурилди. Футбол майдонига чим ётқизилди. Айни пайтда бу ерда 10 дан ортиқ секция ишлаб турибди.

Жорий йилда Мирзачўл ва Янгиобод туманларида болалар спорти мажмуаларини янгидан қуриш учун 414 миллион сўм, Зомин ва Зарбдор туманларида биттадан спорт иншоотларини қайта қуриш учун 100 миллион сўм сарфланиши режалаштирилган.

Аммо шунга қарамай, баъзи туманларда болалар спортини ривожлантириш ишлари талаб даражасида эмас. Жумладан, Арнасой, Зомин туманларида ёзги ва қишки спорт майдончаларини таъмирлаш, уларни спорт жиҳозлари билан таъминлаш, маҳаллалар ўртасида оммавий спорт тадбирларини ўтказиш, вилоят спорт мусобақаларига туман терма жамоаларининг иштирокини таъминлаш масаласида сусткашликка йўл қўйилмоқда. Ўтган йил мобайнида Арнасой туманида биронта ҳам болалар спорт мажмуаси қурилмади. Мавжуд спорт иншоотлари таъмири кўнгилдагидек эмас. Спорт жиҳозлари ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Туман болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ёшларнинг дурустроқ шуғулланишлари учун етарли шарт-шароит яратилмаган. Спорт мактаби ўз стадионига эга эмас. Туманнинг «Олтин водий» футбол жамоаси бор эди. Кейинги пайтларда бу жамоа тарқаб кетди. Шу сабабли вилоят мусобақаларида сўнгги 2-3 йилдан бери қатнаша олмаяпти.

– Мен ва ўғлим Музаффар спортни яхши кўрамиз, - дейди «Фарғона» агрохизмат марказида истиқомат қилувчи Ҳамро Бўриев. – Бироқ ҳеч қандай шароит йўқ. Стадионимиз қаровсиз ётибди. Болаларимиз кураш, бокс билан Маданият саройининг қўшимча биносида шуғулланарди. Маданият саройи кейинги 2-3 йилда нураб, ташландиқ ҳолга келиб қолди. Кимлардир, қўлга илингудек нарсаларини, яъни эшик-деразалар, поллар, шиферларни кўчириб кетди. Тўрт девордан бошқа ҳеч вақо қолмади. Арнасой туманида болалар спортини ривожлантиришга панжа орасидан қарашмоқда. Юқорида таъкидлаб ўтилгандек, вилоятда бу соҳада катта ҳажмда ишлар амалга оширилган бир пайтда, арнасойликлар ҳам мудраб ўтиришибди...

**Бўрибой НОРҚУЛОВ, «Ишонч» мухбири**

# ЎЗ ЎРНИНГНИ ТОПА БИЛ!

*Тармоқ касаба уюшма қўмиталарида*



***«Меҳр ва мурувват йили»да касаба уюшма ташкилотлари меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялашни, кам таъминланган оилаларни, ногиронларни, ёлғиз қарияларни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни ўзларининг асосий бурчлари деб билишмоқда.***

Шу боис Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг навбатдаги йиғилишида республикамизнинг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ҳамда «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ва ҳукумат қарорлари асосида тармоқ ходимларини ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини таъминлаш ва кучайтириш борасидаги вазифаларга эътибор қаратилди.

Тармоқ касаба уюшмалари бу борада раёсат, ҳайъат йиғилишлари ўтказиб, илмий-амалий конференциялар, кўрик-танловлар, спартакиадалар ҳамда бошқа тадбирларда фаол иштирок этди. Ўтган йили болаларни соғломлаштириш ва дам олишларини ташкил этиш билан боғлиқ масалалар касаба уюшма ташкилотларининг асосий диққат эътиборида бўлди.

Маънавий-маърифий, миллий истиқлол мафкураси борасидаги ишлар ҳам касаба уюшма ташкилотларининг ўзига хос бир йўналиши сифатида шаклланиб бормоқда. Жойларда бу тадбир ўқув муассасалари маъмуриятлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа бир қатор давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда олиб бориляпти. Шу ўринда



ўтган йили ўтказилган «Энг намунали талабалар уйи» кўрик-танловини айтиб ўтиш жоиз. Сирдарё вилоятининг Меҳнатобод туманида Марказий қўмитанинг ташаббуси билан 151 нафар ота-онасиз болалар учун маданий тадбир ўтказилиб, кийим-бош совға қилинди. Ғиждувон туманида эса Абдуҳолиқ Ғиждувоний таваллуд топган куннинг 900 йиллиги муносабати билан семинар ўтказилиб, тумандаги «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчиларига кийим-кечак ҳамда спорт анжомлари топширилди.

Тармоқ касаба уюшма қўмиталари оммавий спортни меҳнаткашлар ўртасида кенг ёйишга ҳам асосий эътиборни қаратмоқда. Бу борада Наманганда халқ таълими ходимларининг IV, Тошкентда ўтказилган махсус, касб-ҳунар таълими ходимларининг I республика спартакиадаларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Тармоқ вазирликлари билан ўтказилган тадбирлар ҳам анчагина. «Умумий фанлар бўйича мактаб ўқувчиларининг олимпиадаси», «Йил мактаби», «Йил ўқитувчиси», «Йил тарбиячиси» каби танловлар ҳамда «Ўзбекистон Ватаним маним», «Ўзбекистон қўшиқ байрами» кўрик-танловлари, «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» каби республика миқёсидаги тадбирлар шулар жумласидандир.

Тармоқ касаба уюшма Марказий қўмитаси Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига ҳам амалий иш билан жавоб бермоқда. Иш ҳақидан муддати ўтган қарздорлик бўйича тармоқ қўмиталаридан тезкор маълумот олиш йўлга қўйилди. Бу ишга алоқадор ташкилот раҳбарларига мурожаат этилиб, маош тўлашни ўз вақтида амалга ошириш сўралмоқда. Иш ҳақи тўлови бўйича қарздорликни бартараф этиш борасида касаба уюшма органлари томонидан кўрилган саъй-ҳаракатлар натижасида катта миқдордаги маош ундириб берилди.

Мазкур муаммо касаба уюшма мажлисларида, раёсат йиғилишлари, меҳнат жамоаларининг умумий мажлисларида кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Талабаларни, ўқувчиларни соғломлаштириш тармоқ касаба уюшма ташкилотларининг хайрли ишларидан биридир. Ўтган йили республикамиз санаторийларида 5 минг 748 нафар ходим саломатликларини тиклади. Бунинг учун 607 миллион сўм сарфланди. Санаторий-профилакторийларда эса 7 минг 786



киши соғломлаштирилди. Мавсумда болалар ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида 40 минг 545 нафар болалар дам олди. Шунингдек, тармоқ Марказий қўмитасининг қарори билан Қорақалпоғистон республикаси, Навоий, Бухоро ҳамда Тошкент вилоятларидаги кам таъминланган тармоқ ходимларининг 350 нафар фарзандлари «Лочин» оромгоҳида соғломлаштирилди. Яна бир нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, тармоқ Марказий қўмитаси таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси халқаро ташкилотига аъзоликка қабул қилинди. Мазкур ташкилот билан ҳамкорлик ва келишувга асосан Тошкент шаҳрида Ўзбекистон, Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон касаба уюшмалари билан биргаликда«... Ижтимоий шерикчиликда ўқитувчининг мавқеини оширишдаги роли» мавзусига бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Қатнашчилар таълим соҳасидаги ўзгаришлар ҳамда долзарб муаммолар ҳақида фикр алмашишди.

Лекин тармоқда ютуқлар билан биргаликда айрим камчиликлар ҳам мавжуд. Жумладан, тармоқ ходимларига тегишли меҳнат шароитларини яратиб бериш, мактабларнинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш, ўқувчиларни зарур даражада дарсликлар билан таъминлаш борасида ҳали кўп иш қилиниши зарур. Мавжуд кутубхоналарни бойитиш, қиш мавсумида синфхоналарни иситиш ҳам мактаб маъмуриятлари ҳамда бошланғич касаба уюшма қўмиталарининг кечиктириб бўлмайдиган вазифаларидан.

Яна бир муаммо. Бу ҳам бўлса жойлардаги айрим касаба уюшма ташкилотлари ёш кадрларни иш билан таъминлаш масаласига етарлича эътибор беришмаяпти. Шунингдек, 9 синф битирувчиларининг ўқишларини давом эттиришлари борасида ҳам етарлича қатъият кўрсатилмаяпти. Масалан, Жиззах вилоятида 9 синфни тугатиб, ҳеч қаерда ўқимаётган ёшлар 1508 нафарни ташкил этади. Худди шундай аҳволни Қорақалпоғистон республикаси, Сирдарё вилоятларида ҳам кўриш мумкин.

Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун ҳам ҳали кўп иш қилиниши лозим. Жойларда ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, мактабларда болалар дарсдан кейин ташкил этилган тўгаракларга атиги 10-20 фоиз жалб этилган. Ўқувчиларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш зарур. Бунинг учун эса спорт майдонлари, анжомлари етарли эмас.

**Неъмат РАФИҚОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*2004 йил - Меҳр ва мурувват йили*

# БИР ОҒИЗ ШИРИН СЎЗ

***Мамлакатимизда меҳр-шафқатга муҳтож ногиронлар ва етим-есирларга, бева-бечораларга, боқувчиларидан жудо бўлган, ёлғиз яшаётган кексаларга ғамхўрлик қилиш устувор вазифага айланган.***

Хусусан, нефт ва газчилар юрти Муборакда аҳоли турмуш тарзи ва шароитини яхшилашга қаратилган ибратли ишлар амалга оширилаяпти. Қарши дашти бағрида қад кўтарган, ўттиздан ортиқ миллат ва элат фарзандлари яшаётган масканда кам таъминланган ва кўп болали оилаларга, ногиронлар ва қарияларнинг кўнглини кўтариш учун савобли амалларга қўл ураётган саховатпешалар кўп.

Туман ногиронлар жамияти раиси Қаҳрамон Эгамбердиев ва бош ҳисобчи Бозор Эшонқуловлар шаҳарнинг 4 «А» миттитуманида яшовчи Аллаевлар хонадонига кириб келишганида, 80 ёшли Шоди бобонинг кўнгли тоғдек кўтарилди. Улар табаррук қариядан ҳол-аҳвол сўраб, 20 минг сўм пул ва қимматли совғаларни топширишди.

- Кишиларга эзгулик бахш этганлар бу дунё-ю, у дунёда ҳам кам бўлмайди, - дейди Шоди бобо мамнун ҳолда. - Қарияларга ғамхўрлик кўрсатаётган ҳукуматимиздан миннатдормиз.

Тумандаги 1200 нафар ногирон доимий ғамхўрликда. Қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари, корхона ва ташкилотлар ҳомийлигида. 24 нафар иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, 15 нафар ўзгалар ёрдамига муҳтож қарияларга тиббий хизмат кўрсатиш ходимлари бириктилган. Боқувчисини йўқотган кексаларга 420 минг сўмлик дори-дармон етказиб берилди.

Яқинда жамият фаоллари шаҳарнинг 1-миттитуман 14-уй 56-хонадонда яшовчи иккинчи гуруҳ ногирони Адишвали Идрисов оиласига бориб ҳолидан хабар олишди. Унга 50 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилди. «Муборак» қоракўлчилик жамоа ширкат хўжалиги ҳудудида истиқомат қилувчи Зайниддин Ғафуровнинг касб-ҳунар саноат коллежида шартнома асосида ўқиши учун жамият томонидан маблағ ажратилди. Унинг онаси София Ғафуровага моддий ёрдам кўрсатилди.

Шаҳарнинг 1-миттитуманида 100 ёшли онахон Нафиса Ҳабибуллина умргузаронлик қилади. Туманнинг иқтисодий-ижтимоий ривожига катта ҳисса қўшган табаррук қариядан доимо хабар олиб туриладиди. Масалан, яқинда уч аср юзини кўрган момога 50 минг сўм моддий ёрдам берилди.

- Ногиронларга моддий ёрдам кўрсатиш, уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш эътиборимизда турибди, - дея суҳбатни давом эттирди жамият раиси Қ.Эгамбердиев. - Жумладан, ўтган йили ўзгалар ёрдамига муҳтож кишиларга 2 миллион сўмлик кўмак берилди.

Салим Насуллаев, Раис Алимов, Файзираҳмон Одилов каби ногиронлар бундай ғамхўрликдан баҳраманд бўлди. Биринчи гуруҳ ногирони Абдухалил Раҳмоновга жамият ҳисобидан ногиронлик аравачаси топширилди.

Муборак газни қайта ишлаш заводи, 62-механизацилашган кўчма жамланма, «Муборак» қоракўлчилик ширкат хўжалиги ҳимматидан кам таъминланган оилалар ва ногиронлар хушнуд бўлишаяпти. Йил давомида йигирмадан ортиқ ногиронлар завод профилакторийсида текинга даволаниб чиқдилар.

Муборак шаҳрининг 4-миттитуманида яшовчи Зулфия Дўстмуродова, 6-миттитуманда истиқомат қилувчи Менгиш Дониёровларнинг ўғилларининг суннат тўйлари ўтказилди.

Туманда ногиронлар ўртасида ҳар хил оммавий-маданий тадбирлар тез-тез уюштириб туриладди. Бунинг натижасида Тошкентда ўтказилган «Мафтункор ранглар дунёси» кўрик-танловида муборaклик Сардор Раҳимқулов, Ақида Ҳамидова, Фахриддин Умаровлар ўзларининг рассомлик истеъдодларини намойиш этиб, совринли ўринларни эгалладилар. Улар қимматбаҳо совғалар билан мукофотландилар.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Ислоҳот мевалари*



## ФЕРМЕРГА КАТТА ИМКОНИЯТ

Қорақалпоғистонда фермерлар учун катта имкониятлар очилмоқда.

Президентимизнинг "2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси" тўғрисидаги Фармони бу борада қўл келди, - деди Қорақалпоғистон республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Дуйсенбой Ўтамбетов "Туркистон-пресс" мухбирига. - Жорий йилда паст рентабелли 35 та ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш режалаштирилган. Шунингдек, маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда фермер хўжаликларига ўтиш бўйича ҳужжатларни тайёрлаш, хўжалик раҳбарлари, етакчи мутахассислар иштирокида ҳар бир туманда ташкил қилинаётган битта фермер хўжалигида тажриба тариқасида семинарлар ўтказиш белгиланган. Янгидан ташкил қилинаётган фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи 28 та мини банк филиаллари, 35 та муқобил МТП, 35 та сувдан фойдаланувчилар уюшмалари, 35 та ёнилғи, 25 та минерал ўғит, 12 та зооветеринария хизмати кўрсатувчи ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи 5 та консалтинг маркази бўлимларини ташкил этиш бўйича режалар белгиланиб олинди.

## ЧОРДАРАГА СУВ КЕЛДИ

***Конимех туманидаги «Чордара» ширкат хўжалиги ҳудудига тоза ичимлик суви етиб келди. Конимех-Чордара оралиғидаги уч километрлик масофага қисқа вақт ичида қувур ётқизилди.***

Қизилтепа туманидаги «Бухоро» ширкат хўжалиги аҳолиси ҳам Дамхўжа сув омборидан келаётган тоза сувдан баҳраманд бўла бошлади. Икки километрлик масофага қувур тортилиб, тоза ичимлик суви олиб келинди.

## СИФАТЛИ ТОЛА-ХОРИЖГА

***«Қамаши пахта тозалаш заводи» акциядорлик жамияти ўтган йили ширкат ва фермер хўжаликларидан йигирма тўрт минг тонна пахта қабул қилиб олди.***

Шу кунга қадар хомашёнинг 12 минг 600 тоннаси қайта ишланиб, 4 минг 284 тонна экспортбоп тола олинди.

- Тайёрланган тола Швейцария, Англия, Жанубий Корея каби давлатларга экспорт қилинмоқда, - дейди жамиятнинг бош муҳандиси Шомирза Жалилов. - Бундан ташқари, пахта чиқити - линтни Хитойга сотяпмиз.

## ЎРТАЧЎЛДА МИНИБАНК

Ўртачўлда «Ғаллабанк»нинг кичик шохобчаси очилгач, мазкур ҳудудда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун катта имконият яратилди. Ҳозир минибанк мижозлари юздан ошди.

**(ЎзА)**

# КОРХОНА
## ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ ОШИБ БОРМОҚДА



***«Намангандонмаҳсулотлари» ҳиссадорлик жамияти маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси томонидан ишловчиларни ижтимоий ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган йили ана шу мақсадларга корхона ҳисобидан 86 миллион сўм сарфланди. Айни пайтда корхона ишчиларига ҳар ойда жон бошига 11 минг сўмдан тушлик пули ажратилмоқда.***

Бундан ташқари, корхона ишчилари иссиқ кийим-бош билан таъминланган. Кам таъминланганлар ва нафақадаги фахрийлар корхона мададини ҳамиша ҳис қилиб туришибди. Корхона маъмурияти ишчи-хизматчилар ўртасида жисмоний тарбия ва спорт оммавийлигини таъминлашни ҳам муҳим вазифалардан бири сифатида белгилаб олган. Ҳозирда жамият ҳудудида 3,5 гектар майдонни эгаллаган болалар спорт-соғломлаштириш мажмуи бунёд этилмоқда. Эрта-индин ишга туширила диган мазкур спорт масканида ишловчилар ва уларнинг фарзандлари спортнинг кўплаб турлари бўйича машғулотлар ўтказиш имкониятига эга бўладилар.

Буларнинг барчаси корхонада ишлаб чиқариш режаларининг муваффақиятли бажарилишига олиб келаяпти. Жумладан, ўтган йили халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми 4 миллиард 832 миллион



сўмдан ортиқни ташкил этди. Албатта, бунда ишлаб чиқаришга илғор технологияларни жорий этиш ҳам ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Зеро, бу ердаги мавжуд тегирмон Швейцариянинг машҳур «Бюллер» компанияси лицензияси асосида Россия ва Украинада ишлаб чиқарилган замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланди.

Корхонада жорий йилда ҳам катта ҳажмдаги қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш режалаштирилган. Жумладан, ҳар бир цех ишчилари учун алоҳида маъмурий-маданий хизмат кўрсатиш бинолари ишга туширилади. Тўрақўрғон дон қабул қилиш шохобчасига темирйўл келтирилади. Янгиқўрғон дон қабул қилиш шохобчасида эса янги кичик тегирмон ишга туширилади. Бу 40 нафар кишини муқим иш билан таъминлаш имкониятини яратади.

**Соҳиба АЪЗАМОВА,**
**«Ишонч» мухбири**

*«Ишонч» фош этади*

# ЧАНГ-ТЎЗОНЛИ ҲАВО
## инсон саломатлигига зиён

Пахтакор туманидаги «Элита» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти хўжаликларга жорий йилда 4,5 минг тонна уруғлик чигитни етказиб бериш мажбуриятини олган.

Корхона жамоаси ана шу мақсадни амалга ошириш учун ўтган йилдан иш бошлади. Уруғлик чигит тайёрлаш жараёнида асосан кимёвий дорилардан ҳам фойдаланилади. Шу боис биз бу ерда бўлганимизда меҳнат муҳофазаси аҳволи билан қизиқдик.

Техника хавфсизлиги муҳандиси Абдували Шукуровни иш жойида учрата олмагач, раис ўринбосари Наби Усмонов ҳамроҳлигида ишлаб чиқариш жараёнини кузатдик.

Ташиб келтирилаётган хомашё чигит сақланадиган омборхонадаги узатиш лентасини ҳаракатга келтирувчи двигател махсус тўсиқсиз, техника хавфсизлиги қоидаларига хилоф тарзда ишлаб турибди. Чигитни туксизлантирадиган цеҳда асосан соляная кислотаси қўлланилади. Цехдаги 9 та агрегатни 3 нафар киши назорат қилиб туради. Бу ерда ҳам меҳнат муҳофазасига етарли эътибор берилмаяпти. Ишчилар ҳавони тозалагич махсус респиратор билан таъминланмаганлиги оқибатида улар кимёвий моддалар зарралари, чанг-тўзондан ҳимояланишмаган.

Дорилаш цехидаги аҳвол бунданда аянчли. 15 нафар киши ишлайдиган мазкур цех корхонадан 200 метрлар чамаси чеккароқда бўлиб, бу ердан таралаётган доринииг бадбўй ҳиди бирпасда нафас йўлига таъсир этиб, кишини фалаж қилиб қўяди. Шунга қарамасдан цеҳда ишчилар респиратордан фойдаланмасдан ишлашяпти. Ишчиларга сут-қатиқ ҳам берилмаяпти. Корхонага вакил қилинган туман «Қишлоқхўжаликкимё» идораси лаборанти Шавкат Муродовдан бу ҳолни изоҳлаб беришларини сўраганимизда, у жўяли бирор фикр айтолмади.

165 киши меҳнат қиладиган жамоада касаба уюшма номигагина ишламоқда. Афтидан, унинг раиси Улуғбек Мусурмонов смена мастерлигидан ажралиб қолмаслиги учун маъмурият раҳбарлари билан муросасозлик йўлини тутиб келаётир.

Корхона ишлаб чиқариш суръати ҳам мақтагулик эмас. Ҳозиргача атиги 300 тонна уруғлик чигит тайёрланганлиги фикримизнинг яққол далилидир.

Хуллас, ишчилар ўта зарарли химикатлар оғушида ишлаётган мазкур корхонада меҳнат муҳофазасига панжа орасидан қаралаётир. Шу мақсадга ажратилаётган кам миқдордаги маблағ нишонга етиб бормаётир. Бунга мутасаддилар нима дейишаркин?!

**Абдуманноп АЗИМОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# ҚАЛБАКИ АКЦИЗ МАРКА

***Юртдошларимиз ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдираётган сифатсиз маҳсулотларга қарши курашиш масаласи ҳукуматимизнинг доимий эътиборида. Бунинг самараси ўлароқ, сифатсиз маҳсулотларнинг четдан божхоналаримиз орқали кириб келишига чек қўйилди. Лекин ҳамон бозорларимизда сифатсиз, айниқса, акциз маркасиз маҳсулотлар камаймаяпти.***

- Бунинг боиси айни шундай маҳсулотлар айрим фуқаролар томонидан қўлбола усулда ишлаб чиқарилаётганида, - дейди Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти масъул ходими А.Эргашев ЎзА мухбирига. - Жумладан, Денов туманида ўтказилган тадбир натижасида Ў.Раҳматов қонунга хилоф равишда «Денов»ароғини ўз уйида тайёрлаб, сотаётгани аниқланди. Текширув давомида унинг уйидан 600 шишага яқин тайёр маҳсулот ҳамда алюмин қопқоқ ва ёрлиқлар топилди. Ажабланарлиси, бу «уддабурон», ҳатто қалбаки акциз маркалар ҳам тайёрлаган.

Шаҳрихон туманида ўтказилган тадбирлар натижасида Қ.Ҳамдамовнинг хонадонида ҳам ана шундай ноқонуний ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани маълум бўлди. Бу ерда ҳам кўплаб қалбаки акциз маркалар топилди.

Аниқланаётган ҳуқуқбузарликлар юзасидан қатъий чора-тадбирлар кўриляпти.

*Эл нетиб топғай мениким...*

# ФАРҲОД – КОМИЛЛИК ТИМСОЛИ

Буюк бобокалонимиз Алишер Навоийнинг «Хамса»сида шоир орзу-идеалидаги комил инсонларнинг бутун бир туркумига дуч келамиз. Улар орасида тарихий шахслар ҳам, афсонага айланганлар ҳам, шоир томонидан юксак маҳорат билан яратилган бадиий образлар ҳам бор. Бу ўринда шоир ижодида муҳим ўрин тутган Фарҳод образи хусусида фикр юритамиз. Зеро, Навоий ўзининг комил инсон тўғрисидаги ўй-фикрлари, орзуларини кўпроқ айни шу образ орқали ифодалаган.

«Асарнинг бош қаҳрамони бўлған Фарҳодни Навоий комил бир инсон типида олади, - деб ёзади Абдурауф Фитрат. – Илмда, истеъдодда, ботирликда, кучда жуда камолга етишканини унинг ҳар бир ҳаракати билан исбот этмакчи бўладир». Дарҳақиқат, Сукрот Фарҳод сиймосида «эътиқоди, сулукининг давомини кўрган»и каби Навоий ҳам бу образ воситасида ўз идеалидаги комил инсон тимсолини яратган.

«Лайли ва Мажнун» жаҳон адабиётида севги ҳақида яратилган энг ғамгин қиссалардан биридир», деб ёзган эди таниқли адабиётшунос Натан Маллаев. Бу фикрни «Фарҳод ва Ширин»га ҳам нисбат бериш мумкин. Зеро, Навоийнинг бу икки достонига хоҳ дунёвий адабиёт ўлчовлари, хоҳ тасаввуф мезонлари билан ёндошинг, уларнинг ғамгин севги қиссалари эканлигига амин бўласиз: икки ошиқ-маъшуқнинг бир-бирига етишолмаслиги дунёвий талқинга кўра қайғули ҳисобланса, сўфиёна фалсафага биноан инсоннинг бу дунёдаги ҳаётининг ўзи ғаму ҳасрат. Чунки у ибтидода бир бутун бўлгани Парвардигордан айру тушган ва энди бир умр яна висолга етиш, унга қўшилиш учун интилади. Лекин мавжуд дунё, нафс ва жисм бу йўлда тўсиқдир. Шунинг учун Ҳақ билан ваҳдатни истаган ошиқ ўз йўлидаги бу ғовларни кўтариши керак. Тасаввуф адабиёти худди шу – инсоннинг нафс ва дунё шуғлидан халос бўлиш жараёнини акс эттиради.

Ҳар қандай бадиий асарда бир неча маъно қатлами бўлади. Лекин илоҳий ишққа урғу берилиши мазкур достонда сўфиёна мазмун бирламчилигини кўрсатади. Шоир илоҳий муҳаббат тасвири устуворлигини асарининг ибтидосидан интиҳосига қадар ўрни билан таъкидлаб боради. Чунончи, Фарҳод ва Ширин муҳаббати қиссасини бошлар экан, муаллиф қайд этади:

***Бу рангин сафҳа, билким, дард боғи,***
***Аён ҳар лоласида ишқ доғи.***

Шунинг учун ҳам эндигина туғилган чақалоқнинг жисми «шуълаи дард»га йўғрилган:

***Юзинда ишқ асрори ёзилғон,***
***Ичинда дард таъвизи қозилғон.***

Гўдакка Фарҳод деб отаси ном қўймади, балки унинг покиза зотини кўргач, ишқ унга шундай исмни беради.

***Бу навъ эрмас – ато қўймади отин***
***Ки, кўргач ишқ анинг покиза зотин,***
***Анга фарзона Фарҳод исм қўйди,***
***Ҳуруфи маъхазин беш қисм қўйди:***
***Фироқу рашку ҳажру оҳ ила дард,***
***Бирор ҳарф ибтидодин айлабон фард.***
***Борин устоди ишқ этгач мураккаб,***
***Тараккубдин бу исм ўлди мураттаб.***

Бугина эмас. Уни «ишқ дояси» эмизади:

***Не қатра сут ичургач дояи ишқ,***
***Бўлуб бир гавҳари сармояи ишқ.***
***Топиб ҳар қатра бир дурдин нишони***
***Ва лекин борчаси дурри маоний.***

Фарҳод болалигиданоқ алоҳида истеъдоди, қобилияти билан ажралиб туради. Чунончи, у билимларни жуда тез ўзлаштиради, қувваи ҳофизаси шунчалик кучли эдики, бир марта ўқиган китобига иккинчи марта қараб ўтиришига ҳожат йўқ эди. Натижада ўн ёшидаёқ:

Жаҳонда қолмади ул етмаган илм,
Билиб таҳқиқини касб этмаган илм.

Инсон руҳининг ўз аслига – Парвардигорига интилиши икки йўл билан – тариқат ёки ишқ орқали амалга ошади. Масалан, «Лайли ва Мажнун» достонида Қайснинг бирор бир пирнинг таълимини олганлиги ҳақида ишоралар йўқ. Унинг пири бевосита Ҳақнинг ўзи эди. Фарҳод эса тариқат йўлини босиб ўтади. Шу ўринда бир нуқтага эътибор қаратайлик: Фарҳоднинг туғилиши олдиндан башорат қилинган. Бу нарса кўпроқ пайғамбарлар, валийлар ҳаёти билан боғлиқлиги маълум. Чунончи, машҳур шайх Бобойи Самосий Бухоро яқинидаги Қасри Ҳиндувон қишлоғидан ўтар экан, бу ерда бир валий дунёга келишини башорат қилади ва ўша назаркарда инсон – Баҳовуддин Нақшбанд туғилганида унинг тарбиясини шогирди Амир Кулолга топширади. Шунга ўхшаб афсонавий донишманд Жомосп Фарҳоднинг туғилишидан хабар бериб, унинг тарбияси билан шуғулланишни Суҳайлога васият қилади. Зотан, Навоий талқинида Фарҳод ҳам валийликдан бебаҳра эмас.

Фарҳод сиймосидан футувват ва нақшбандия таъсири бирмунча бўртиб кўринади. Бунда жавонмардларга хос бўлган эзгу фазилатлар – саховат ҳам, шижоат ҳам, садоқат ҳам, ҳиммат ҳам – ҳамма-ҳаммаси мужассам!

Ёшлигидан халқни ўйлаши, унинг оғирини енгиллатишга уриниши, «эл андуҳидан ғамнок» бўлиши, филдан ҳам кучлилигига қарамасдан чумолига ҳам озор бермаслиги, жонига қасд этган кишига ўзини қурбон қилиш даражасидаги дарвештабиат инсон бўлганлиги Фарҳоднинг ҳақиқий жавонмард эканлигини кўрсатади. Ўзининг фавқулодда хусусиятлари, алоҳида истеъдодига қарамай, у сира халқдан ажралмаган, тарки дунё қилмаган. Аксинча, «Дил ба ёру даст ба кор!» шиорини тутган қаҳрамон. У ҳамиша халқ хизматига камарбаста бўлишни, элга манфаат етказишни ўйлайди. Бу, айниқса, Фарҳоднинг Ширинни излаб, Арманияга борганида тоғ қазувчиларнинг оғир ва самарасиз меҳнатини кўрганида намоён бўлади.

***Ҳунарни асрабон неткумдир охир,***
***Олиб тупроққаму кеткумдир охир?!***

деб «мазлуми ситамкаш» халққа ёрдамга шошилади. Бугина эмас, у Ширинни кўргач, маъшуқаси учун қаср қуради, унинг атрофида ҳовуз ясайди. Буларнинг бари тоғнинг тошларини йўниб яратилганлигини ҳисобга олсак, Фарҳоднинг ёр йўлида қанчалик ранжу машаққат чекканлиги аён бўлади. Бу билан Навоий ёр учун, Ҳақ учун уларнинг ризосига сабаб бўладиган улуғ ишлар қилиш кераклиги ғоясини илгари сураётганлигини илғаб олиш қийин эмас. Шу тариқа, Фарҳодга жавонмардлик ғоялари сингдирилган: у маъшуқаси учун машаққат чекиб, тоғдаги қалъага сув олиб келади. Бундан биргина Ширин эмас, балки бутун халқ баҳраманд бўлади. Бу билан Ҳақ йўлида қилинган ишнинг халққа ҳам манфаати бисёр, демоқчи шоир.

Бу – Навоийнинг инсон ҳақидаги қарашлари тизимида энг муҳим нуқта. Шоир нуқтаи назарига кўра инсоннинг инсонлиги аввало унинг ижтимоий фаолияти, халққа фойда келтириши, элнинг оғирини енгил қилиши билан белгиланади. Жамиятга фойдаси тегмайдиган, халқ ғамини ўз ғами деб билмайдиган одам – одам аталишга нолойиқ:

***Одамий эрсанг, демагил одами***
***Оникам, йўқ халқ ғамидин ғами,***

– дейди бу ҳақда у. Фарҳоднинг илму ҳунар ўрганишга жаҳд кўрсатиши шундан. Воқеан, Ширин ҳам одамийликни ошиқликдан устун қўяди:

***Манга не ёру не ошиқ ҳавасдур,***
***Агар мен одам ўлсам, ушбу басдур.***

Навоий маънавий гўзалликни инсоний гўзалликдан ажратиб қарамагани сингари илм билан ҳунар ҳам ўзаро омухта бўлиши тарафдори. Яъни, маънавий етук киши жисмоний жиҳатдан ҳам гўзал бўлса, бу комил гўзаллик ҳисобланади. Шунга ўхшаб илмли одамнинг ҳунари ҳам бўлса, ўз навбатида, ҳунарманд ҳам илму маърифатдан бохабар бўлса, ҳақиқий баркамоллик – шу. Фарҳод образида айни шу жиҳатларнинг бари мужассам, у комиллик тимсоли.

**Эргаш ОЧИЛОВ,**
**филология фанлари номзоди**

*Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури – амалда*

# ГИМНАЗИЯ

## довруғи ортмоқда

***Очиғига кўчиб қўя қолайлик: бунақаси республикамиз пойтахтида ҳам кўп эмас. Фарғона вилоятида эса ягона. Водийликлар гап нима ҳақида кетаётганини дарҳол тушунишади. 1992 йилда болалар боғчаси негизида ташкил топган «Парвоз» гимназиясининг довруғи бутун минтақага тарқалган, десак асло муболаға эмас.***



Азиз муштарийларимизни кўпда интиқ қилмаслик учун ҳеч бир кириш сўзларсиз мақсадга ўтиб қўя қолсак. Шундай қилиб,

**«Парвоз» гимназиясининг ташриф қоғози.**

**Ўқитувчилар жамоаси:**

Жами 57 нафар ўқитувчи ишлайди. Уларнинг 20 нафари инглиз тилидан дарс беради.

Олий ва биринчи тоифали ўқитувчилар 70 фоизни ташкил этади.

**Ўқувчилар:**

Айни вақтда 847 нафар ўқувчи таълим олмоқда:

I –босқич – 1-4 синфлар – 447 нафар

II– босқич – 5-9 синфлар – 354 нафар

III–босқич – 10-11 синфлар - 46 нафар

**Таълим дастурлари**

I босқичда:

– Бошланғич таълим дастури (инглиз тили, математика, ЭҲМ фанларини чуқур ўрганиш);

– кенгайтирилган ўқитиш таълим дастури (инглиз тили, одобнома, ИХХ);

– «Step by step» дастури.

II босқичда:

– таянч;

– инглиз тили, корейс тили, математика, ИХТАни чуқур ўрганиш таълим дастури;

–қўшимча таълим дастури – давлатшунослик, ишбилармон инглиз тили – 9-синфда.

III босқичда:

– ўқитишнинг юқори даражада бўлишини таъминловчи таълимий дастур;

–тилшуносликка ихтисослашув, давлатшунослик, инглиз тилида адабиёт, корейс тили;

–математика, математика дарсларида ИХТА, иқтисод, ишбилармон инглиз тили;

– инглиз тилини чуқур ўрганувчи таълим дастури.

– Мақсадимиз, таълимни гуманитарлаштириш, – дейди гимназия директори Галина Акопжанова. – Бу эса, энг аввало ўқувчи шахсида ижодий, интеллектуал, маданий, мустақил фикрлаш малакаларини ривожлантиришни тақозо этади. Давлат ва қўшимча таълим дастурларининг бажарилишига эришиш, ўқитишни ва синфдан ташқари ишларни дифференциялаш устида астойдил меҳнат қилаётганимиз ҳам аслида шундан.

Маълумки, ҳар бир шахс ўзича бир олам. Унинг ўзига яраша – бошқаларникига ўхшаш ва алоҳида ажралиб турувчи жиҳатлари мавжуд. Шундай экан, муаллим ҳар бир ўқувчини ўзига хос ёндашув орқали ўсиш-улғайишга, энг муҳими, жамиятда ўз муносиб ўрнини топиб олишига кўмак бериши даркор. Бу – оғир ва машаққатли вазифа ва ушбу ҳол ўқитувчиларни ўқув жараёнини тинимсиз таҳлил қилишга ундайди.

Айтиш жоизки, гимназияда бунинг учун барча шарт-шароитлар яратиб қўйилган. Билим маскани 1999 йилдан буён СОРОС фонди томонидан белгиланган дастурлар асосида иш олиб бормоқда. Гимназия ўқитувчилари учун мунтазам равишда ўтказилаётган семинар-тренинглар ҳам ўз самарасини бермоқда: «Ўқитишнинг интерфаол усуллари», «Ўқувчиларда танқидий тафаккурни ўқиш ва ёзиш орқали ривожлантириш», «Street taw» шулар жумласидандир.

Бугина эмас. Тошкент шаҳрида ташкил этиш анъана тусини олган «Дебатлар», «Қадамма-қадам», «Танқидий тафаккур», «Самарали мактаб», «Мактабларни такомиллаштириш» дастурлари бўйича ўқишларда ҳам гимназия ўқитувчилари кўп бор қатнашиб, малака оширмоқдалар. Айни вақтда ўзлари ҳам Марғилон, Тошлоқ ва Фарғона шаҳарларида семинар-тренинглар уюштириб, билганларини ўртоқлашмоқдалар.

Гимназия ўқитувчилари томонидан 45 та очиқ дарс ўтказилгани, ҳар ойда тажриба алмашиш мақсадида бу ерга малака ошириш институтидан 50 дан зиёд ўқитувчилар ташриф этиши ҳам унинг нуфузи қанчалар ортиб бораётганини кўрсатади.

Буни яна шундан ҳам билиш мумкинки, моҳир педагог Ирина Гостюхина АҚШда уч ой бўлиб, Калифорния университетида инглиз тили ўқитувчиларининг касбий ривожланиши мавзуида ташкиллаштирилган семинарда қатнашиб қайтди. Шунингдек, 2500 АҚШ доллари миқдорида АКСЕЛС гранти ғолиби бўлди. Инглиз тили ўқитувчиси Лола Аҳмедова эса 2000 АҚШ доллари миқдорида шундай грант соҳибасига айланди.



Гимназия фаолияти ҳам муносиб тақдирланди. У «Ўзбекистон мактаблари учун компьютерлар» мавзусида грант тўлдиришда фаол иштирок этиб, 8400 АҚШ доллари миқдоридаги мукофотга сазовор бўлди. Бу – гимназияда мавжуд ўқув техникаларига қўшимча равишда яна 10 та компьютер, принтер, модем соҳибига айланиш, шунингдек, интернетга уланиш демакдир.

Боланинг шаклланишида мактабгача муассаса, мактаб, оила, маҳалла, ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-маданий шароитлар катта аҳамиятга эга. Гимназияда ана шу ҳамкорлик намунали йўлга қўйилган. Натижаси эса маълум: одобли, хушфеъл, билимдон ўқувчилар ўз тенгқурлари ўртасида кўплаб ижобий жиҳатлари билан ажралиб турадилар.

Дарвоқе, ўтган ўқув йилида гимназияни битирган 14 нафар йигит-қизларнинг барчаси юқори балл тўплаб, талабалик бахтига мушарраф бўлдилар.

**Сурайё АГЛАЕВА,**
**«Ишонч» мухбири**

*Бокс*

# АФИНА ЙЎЛЛАНМАСИ УЧУН

Ўзбек бокс мактаби намоёндаларининг шуҳратини бутун дунё яхши билади. Руфат Рисқиев, Владимир Шин, Муҳаммадқодир Абдуллаев, Артур Григорян, Қувончбек Тойғанбоев,Руслан Чагаев. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Не бахтки,уларнинг издошлари бўлган ёшларимиз ҳам бу анъанани муносиб давом эттирмоқдалар.

Куни кеча бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мураббий Шароф Худойбердиев раҳбарлигида Филлипин пойтахти Манилага учиб кетди.Бу ерда Осиё чемпионати баҳслари бўлиб ўтади. Баҳсларнинг ўта муросасиз ўтиши кутилмоқда. Чунки мусобақа финалига чиққан икки боксчи Афина Олимпиадаси йўлланмасини қўлга киритади.Шу боис вакилларимиз чемпионатга пухта ҳозирлик кўрдилар. Янгиобод спорт базасида ва МҲСК залларида олиб борилган мунтазам машғулотлар ўз мевасини бериши шубҳасиз.

Манила рингларида юртимиз шарафини Отабек Мамажонов (48 кг), Тўлаш Дониёров (51 кг), Баҳодир Султонов (54 кг), Беҳзод Хидиров (57 кг), Жаҳонгир Сувонқулов (60 кг), Дилшод Маҳмудов (64 кг), Шерзод Ҳусанов (69 кг), Ўткирбек Ҳайдаров (75 кг), Нодир Ғуломов (81 кг), Игор Албанов (91 кг), Рустам Саидов (+91 кг) ҳимоя қиладилар.

Бу чемпионатдан сўнг боксчиларимизни яна икки йирик мусобақа кутмоқда. Улар март ва май ойларида ўтказилиб, бу баҳсларда ҳам олимпиада йўлланмаси ўйналади. Демак, ҳали барча имкониятлар олдинда.

**А.ЮНУСОВ**

*Баскетбол*

***Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган баскетбол бўйича халқаро турнирда мамлакатимизнинг кўпкарра чемпиони МҲСК жамоаси юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди.***

# ХАЛҚАРО ТУРНИРДА - ҒОЛИБ

Баскетболчиларимиз турнирда Россиянинг «Саха-Якутия», Қозоғистоннинг ЦСКА ва Қирғизистон миллий терма жамоасини енгиб, турнир ғолиби бўлди.

*Эътибор*

# ЖАРҚЎРҒОНДАН ЧЕМПИОНЛАР ЧИҚАДИ

Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш мақсадида амалга оширилаётган улуғвор ишлар улкан аҳамиятга эга. Зотан, юрт келажаги, миллат истиқболини жисмонан соғлом, маънан баркамол авлод белгилайди.

Жарқўрғон туманида кейинги бир-икки йил ичида болалар спортини ривожлантириш борасидаги ишлар анча жонланди. Хусусан, туман халқ таълими бўлими мутасаддилари саъй-ҳаракати билан тасарруфдаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактабига алоҳида эътибор қаратилди. Натижада, БЎСМда тарбияланаётган 10 ёшдан 17 ёшгача бўлган 400 нафар ёш спортчилар орасидан кўплаб чемпионлар етишиб чиқди.

– Спорт секциямиз ўқувчилари қўлга киритган ютуқлар салмоқлидир. Масалан, яқинда тарбияланувчиларимиз республика миқёсидаги нуфузли мусобақада иштирок этишди. Мазкур биринчиликда 14-мактаб ўқувчиси Ойбек Нормаматов иккинчи, 2- ва 7- мактаблардан Фахриддин Худоёров ҳамда Рустам Нормўминовлар учинчи ўринларни эгаллашди, – дейди эркин кураш секцияси раҳбари Тўра Тангриев.

– Ҳозирги пайтда спорт мактабимизда эркин курашдан ташқари волейбол, футбол, қўл тўпи, шоҳмот, миллий кураш, енгил атлетика, бадиий гимнастика сингари энг оммавий спорт турлари бўйича 8 та секция доимий равишда фаолият кўрсатиб келмоқда, – дея суҳбатга қўшилади туман халқ таълими бўлими мудири Жўра Нормуродов. – Ушбу секцияларда шуғулланаётган спортчи ўқувчиларимиз жисмонан бақувват, соғлом бўлиш билан бирга кундан-кунга ўз маҳоратларини ҳам ошириб боришяпти.

Чиндан ҳам туманнинг турли мактабларида сабоқ олаётган жарқўрғонлик спортчи ўғил-қизлар эришаётган муваффақиятлар дилга қувонч бағишлайди. Айниқса, Акмал Бердиназаров, Сайфулла Бозоров, Диана Собчинко, Роза Янашова, Юлия Пак сингари ўқувчилар қўлга киритаётган ютуқлардан ҳар қанча фахрланса арзийди. Кези келганда, БЎСМ ўқувчиларига спорт сир-асрорларини қунт билан ўргатаётган 13 нафар тажрибали мураббийлар номини алоҳида эҳтиром ила тилга олиб ўтиш жоиз.

Дарвоқе, Роза Елимесова, Ўрол Ҳайдаров, Эшбўри Искандаров, Дилмурод Турдимуродов, Одил Ҳасанов, Ҳасан Пирматов каби жонкуяр мураббийларнинг заҳматли меҳнати муносиб баҳоланмоқда. Улар халқ таълими бўлими томонидан доимий равишда моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб келиняпти. Секциялар фаолиятини янада жонлантириш мақсадида яқинда спорт заллари ва ўйингоҳлар таъмирдан чиқарилди. Спорт жиҳозлари, ўқувчиларга кийим-бошлар олиб бериш учун 3 миллион 400 минг сўм ажратилди.

Албатта, бу эътибор тез орада ўзининг ижобий самарасини бериши, шубҳасиз. Бошқача айтганда эса Жарқўрғондан эрта-индин чемпионлар етишиб чиқади.

**Рустам ДАВЛАТ,**
**«Ишонч» мухбири**



И.ХАСАНОВ олган сурат

*Турфа олам*

***Францияда нархи туширилган молларнинг йиллик анъанавий савдоси бошланди. Чоршанба куни эрталабдан харидорлар Париждаги Елисей майдонида жойлашган кийим-кечак дўконларига ёпирилди.***

# АРЗОН МОЛЛАР САВДОСИ

Ҳаво совуқ бўлишига қарамай, тонгни кўчада қаршилаган харидорларнинг бир қисми пойтахтдаги йирик савдо мажмуи -«Галери ла Файет» ва «Рентан» дўконлари жойлашган Булеварга қараб юрди. Айримлар эса шаҳардан 100-150 километр нарида жойлашган савдо марказларига югурди. У ердаги дўконлардаги товарлар нархи тенг ярмига пасайтирилган.

Аксарият товарлар рамзий нархда, яъни бир еврога сотилмоқда. Йил бўйи сотилмай ётган тайёр кийим-кечаклар саноқли кунлар ичида деярли текин сотиб юборилиши керак.

Мазкур савдо французлар ҳаётида муҳим воқеага айланган. Бу даврда уларнинг аксарияти йиллик харидининг қарийб ярмини амалга оширар экан.

Бу йилги оммавий савдо 17 февралгача уч босқичда давом этади. Биринчи босқичда нархлар 30 фоизгача, иккинчисида яна 10-15 фоизгача туширилади. Учинчи босқичдаги савдо эса талабга боғлиқ. Агар у паст бўлса, товарлар дастлабки нархининг учдан биригача пасайтирилади.

Бундай байрамдан машҳур мода уйлари ҳам четда қолмаяпти. Масалан, Париждаги Монтен майдонида жойлашган «Валентино» модалар уйида шуба ва пальтолар 40 фоизгача арзонлаштирилди. «Ив Сен-Лоран» ва «Унгаро» ўз маҳсулотларини ярим нархига сотмоқда.

Умуман, қишки оммавий савдо фақат Францияда уюштирилмайди. Германия ва Буюк Британияда ҳам шундай анъана бор. Бироқ Францияда савдо тартибга солиб турилади. Дўконлар маҳсулот нархини уни ишлаб чиқаришга кетган харажат миқдоридан пасайтирмаслиги лозим.

**(ЎзА)**

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.30

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи:* 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

*«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.*

Тиражи: 19500 Буюртма Г— 217 23456